

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВ МАЪРУФЖОН КОБУЛЖОНОВИЧ

**УЗЛУКСИЗ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
УЧУН ВИРТУАЛ АНАЛИЗАТОРЛАРНИ ҚУРИШ ВА ЯРАТИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

**Фалсафа доктори (Phd)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of
doctor of philosophy (PhD)**

Шодиев Маъруфжон Кобулжонович

Узлуксиз технологик жараёнларни назорат қилиш учун виртуал
анализаторларни куриш ва яратиш концепцияси.....3

Шодиев Маъруфжон Кобулжонович

Концепция построения и создания виртуальных анализаторов для контроля
непрерывных технологических процессов.....21

Shodiev Marufjon Kobuljonovich

The concept of building and creating virtual analyzers for monitoring continuous
technological processes39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВ МАЪРУФЖОН КОБУЛЖОНОВИЧ

**УЗЛУКСИЗ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ
УЧУН ВИРТУАЛ АНАЛИЗАТОРЛАРНИ ҚУРИШ ВА ЯРАТИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т342 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Юсупбеков Азизбек Нодирбекович техника фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Матякубова Парахат Майлиевна техника фанлари доктори, профессор Юнусов Исмаи Инагамович техника фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Навоий давлат кончилик институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел./факс: (99871) 246-46-00; (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-03-41.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси)

Н.Р. Юсупбеков,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш, раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф.Мамиров,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З. Игамбердиев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда маҳсулот сифатини назорат қилиш, жумладан, энг кам энергия, хомашё ва вақт сарфи билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги сифатни назорат қилиш ва ўлчаш техникасини яратиш ҳамда такомиллаштиришга қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда кимё, нефт-кимё, озиқ-овқат саноатида маҳсулот сифатини виртуал таҳлил қилиш етакчи ўринга кўтарилмоқда. Бу борада, ривожланган мамлакатларда маҳсулот сифатини назорат қилишда математик аппаратлар асосида махсус дастурий таъминот орқали виртуал таҳлил тизимларини амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда технологик жараёнларни назорат қилиш тизимларини такомиллаштириш, талаб этилган энергиявий самарадорликни ва маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини тезкор таҳлил қилиш тизимларини яратиш, сифат кўрсаткичларини тавсифловчи моделларни олиш, маҳсулот сифатини назорат қилувчи виртуал анализаторларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда бугунги кунда саноатга инновацион технологияларни жорий этиш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар сифатининг юқори самарали назорат тизимларини амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, жумладан, якуний маҳсулот сифати виртуал анализаторларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, технологик жараёнлар ва улардаги маҳсулот сифатини назорат қилиш учун виртуал анализаторларни яратиш муаммоларининг самарали ечимларини берадиган концепцияни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «Қайта тикланадиган энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада энергия самарадорликни ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида илмий тадқиқотлар натижасида виртуал анализаторлар ишлаб чиқиш концепциясини ривожлантиришга: Emerson (АҚШ), Honeywell (АҚШ), Yokogawa (Япония) «ОПТИМУМ» илмий-ишлаб чиқариш компанияси (Россия), Н.Э.Бауман номидаги МДТУ, Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети (Россия), Киев автоматика институти (Украина) каби етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари ҳамда D.N.Saraf, N.Wolf, P.Angelov, L.Fortuna, P.Kadlec, M.Kano, O.C.Кожинский, P.A.Аузан, Г.М.Бакан, Т.И.Кописицкий, Н.Н.Бахтадзе, А.П.Веревкин, А.Г.Шумихин, А.А.Мусаев ва бошқа хорижий олимлар ҳисса қўшишган.

Мамлакатимизда технологик жараёнлар ҳамда маҳсулотлар сифатини назорат қилиш учун виртуал анализаторлар яратишнинг илмий муаммоларини ечишга мамлакатимиз олимларидан Н.Р.Юсупбеков, Т.Ф.Бекмуратов, Т.Д.Раджабов, О.Ш.Хакимов, Ш.М.Гулямов, Р.К.Азимов, Ю.Г.Шипулин, А.Н.Юсупбеков ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшишган.

Мазкур диссертация тадқиқоти тақдим этилаётган соҳага оид адабиётлар шарҳи замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва сунъий интеллект усулларини қўллаган ҳолда саноатнинг якуний маҳсулотлари сифатининг виртуал анализаторларини яратиш ва қўлланилиш соҳасини кенгайтиришнинг асосланган истиқболли концепциясини яратишни зарурияти ва мақсадга мувофиқлигидан дарак беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-Ф7-88 - «Тоза маҳсулотлар олишнинг мураккаб кимёвий технологик тизимлари энергия ва ресурстежамкор иссиқлик-масса алмашилиш жараёнларининг назарий асосларини такомиллаштириш» (2017-2020) мавзули фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва такомиллаштирилган бошқаришга мўлжалланган замонавий виртуал анализаторларни қўллашнинг муаммоли масалаларига самарали ечим берадиган концепцияни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишончли ва адаптив виртуал анализаторлар яратиш концепциясини ишлаб чиқиш;

виртуал анализаторни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг мавжуд усулларини танқидий таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш ва ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш;

виртуал таҳлил ва синтез учун маълумотлар ва билимларни моделлаштириш ва маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш, қайта ишлаш;

виртуал анализаторларни ишлаб чиқиш учун машинали ўқитиш усуллари ва инструментларини ишлаб чиқиш;

виртуал анализаторларни адаптивлаш усуллари таҳлил қилиш;

виртуал анализаторларни ўз-ўзини такомиллаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти технологик жараёнларни такомиллаштирилган бошқариш тизимлари таркибидаги маҳсулот сифатини назорат қилувчи виртуал анализаторлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети узлуксиз технологик жараёнларнинг назорат қилинмайдиган ёки кам ўлчанадиган параметрларини, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини виртуал таҳлил қилиш усуллари ва виртуал анализаторларни яратиш концепциясини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, моделлаштириш назарияси, хусусан, нейро-ноаниқ моделлаштириш, башоратловчи моделларни олишда сунъий нейрон тармоқларини қўллаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўлчанмайдиган, қийин ёки паст частота билан ўлчанадиган параметрларни, жумладан маҳсулот сифатини баҳолаш учун таркибида виртуал анализаторлари бўлган такомиллаштирилган илғор бошқариш тизими синтезланган;

юқори мослашувчанликка эга виртуал анализаторлар қуриш концепцияси ишлаб чиқилган;

сифатнинг виртуал анализаторларини қуриш ва яратишнинг ташқи ғалаёнлар ўзгаришига мослашувчанлигини таъминловчи концепция ишлаб чиқилган;

ташқи ғалаёнларга турғун бўлган виртуал анализаторларни қуриш концепцияси ишлаб чиқилган;

технологик жараёнларни назорат қилишнинг виртуал анализаторларини адаптациялаш алгоритми ишлаб чиқилган;

виртуал анализаторларнинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

виртуал анализаторларни ишлаб чиқишда маълумотларга дастлабки ишлов бериш босқичида маълумотлардаги шовқин ва улоқишларни бартараф этиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

маълумотларга дастлабки ишлов беришда намуналар олиш частоталаридаги ўзаро номосликни синхронлаш орқали бартараф этиш амалга оширилган;

виртуал анализаторнинг моделини идентификациялаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий асосланган концепциялар ва математик моделлаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиб, ўтказилган имитацион моделлаштириш ва экспериментал тажриба натижаларининг мувофиқлиги, шунингдек ишлаб чиқилган виртуал анализаторлар ва лаборатория таҳлили натижаларининг ўзаро монандлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти виртуал анализаторларни ишлаб чиқишда технологик жараёнлар ҳақидаги априор билимлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш техникаси ва сунъий нейрон тармоғини қўллаш орқали адаптив башорат қилувчи моделларнинг олиниши ва шу моделлар асосида ишлаб чиқилган виртуал анализаторларининг натижаларини оқим анализаторлари ва лаборатория натижаларига нисбатан тезкорлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноатларидаги узлуксиз технологик жараёнларни назорат қилиш учун виртуал анализаторларни қуришда ансамбл усулларини қўллаб, кўп модели виртуал анализаторларни қуриш, ансамблдаги моделлар башоратларини комбинациялаш ва бирлаштириш орқали виртуал анализатор башоратлари аниқлигини оширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни такомиллаштирилган бошқариш тизими таркибидаги виртуал анализаторларни қуриш ва яратиш концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида:

сифатнинг виртуал анализаторларини қуриш ва яратишнинг ташқи ғалаёнлар ўзгаришига мослашувчанлигини таъминловчи концепция «ОНИКС–Тошкент» МЧЖ да жорий қилинган («О‘zAvtosanoat» АЖнинг 2019 йил 6 ноябрдаги 09/03-25-2524-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот сифатини ошириш имконини берган ва яроқсиз маҳсулот чиқиши камайган;

ташқи ғалаёнларга турғун бўлган виртуал анализаторларни қуриш концепцияси «ОНИКС–Тошкент» МЧЖ да жорий қилинган («О‘zAvtosanoat» АЖнинг 2019 йил 6 ноябрдаги 09/03-25-2524-сон маълумотномаси). Натижада тайёр маҳсулот сифатини башорат қилиш имкони яратилган;

технологик жараёнларни назорат қилишнинг виртуал анализаторларини адаптациялаш алгоритми «ОНИКС–Тошкент» МЧЖда шиша ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинган («О‘zAvtosanoat» АЖнинг 2019 йил 6 ноябрдаги 09/03-25-2524-сон маълумотномаси). Натижада тайёр маҳсулот сифатини таҳлил қилувчи виртуал анализаторни хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан, ЎЗР ОАК эътироф этган илмий журналларда 8 та мақола, шундан 2 таси хорижда чоп этилган, ЭХМ учун

дастурларни қайд этилганлиги тўғрисида 3 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этиб, унда 34 та расм ва 6 та жадваллар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Виртуал анализаторларни ишлаб чиқариш sanoатида қўлланилиш истиқболлари ва муаммолари**» номли биринчи бобида виртуал анализаторларга бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг қисқача шарҳи келтирилган.

Ишлаб чиқариш sanoатидаги корхоналарнинг катта ҳажмдаги ўлчаш воситалари ва бошқариш тизимини компьютерлаштирилиши жуда кўп маълумотларни ёзиб олиш ва сақлаш заруриятига олиб келмоқда. Ушбу маълумотлар ҳозирда корхоналарнинг бошқариш ва назорат қилиш тизимларини қуйи сатҳида эканлигига қарамай, маълумотларда мавжуд бўлган яширин ахборот дастурлардан ташқарида қолмоқда. Бироқ, бу яширин маълумотларга эришиш етарлича машаққатли ва унга эришиш учун илғор воситаларни талаб қилади, бундай воситалардан бири тадқиқотнинг марказий мавзуси бўлган виртуал анализаторлардир. Виртуал анализаторларни нисбатан кичик харажатлар билан яратиш ва улардан фойдаланишда уларнинг янги авлоди амалий устунликка эга, чунки уларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар ва усуллар бугунги кунга келиб мавжуддир.

Ишлаб чиқариш корхоналари одатда жуда кўп сонли датчиклар билан жиҳозланади. Датчикларнинг асосий мақсади жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш учун маълумотларни етказиб беришдир. Аммо, йигирма йиллар мукаддам тадқиқотчилар ушбу маълумотларга асосланган башоратловчи моделларни яратиш орқали ишлаб чиқаришда ўлчанадиган ва сақланадиган катта ҳажмдаги маълумотлардан виртуал анализаторлар деб аталадиган башоратловчи моделларни яратиб, улардан фойдаланишни бошладилар. Виртуал анализаторларни оддий башоратловчи моделлар сифатида кўриш мумкин, улар мавжуд маълумотлар тўплами билан ўқитилиб, сўнгра кирувчи маълумотни башоратлаш учун фойдаланилади.

Бироқ, аслида уларни ишлаб чиқиш, ишчи ҳолатини таъминлаш ва такомиллаштириш ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос томонларини ва

виртуал анализаторларни яратишга таъсирини ҳисобга олишни тақозо қиладиган мураккаб масаладир.

Ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулотлар сифатини тавсифлайдиган параметрларни мужассамловчи катта ҳажмдаги маълумотлар билан боғлиқ. Жараённи тавсифловчи маълумотларнинг хусусиятларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади, чунки маълумотларга асосланган эмпирик виртуал анализаторларнинг фаолияти шу маълумотларга асосланади. Ишда турли виртуал анализаторлар ва уларнинг қўлланилиш соҳалари тақдим қилинган.

Ишлаб чиқариш саноатида ҳозирги кунда виртуал анализаторлар қуриш технологияларининг замонавий методологик асослари келтирилган. Замонавий виртуал таҳлилнинг энг кенг қўлланиладиган усуллари, янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденциялари аниқланган.

Диссертациянинг «**Виртуал анализаторларнинг машинали ўқитиш истиқболлари**» номли иккинчи боби виртуал анализаторларни машинали ўқитиш нуқтаи-назаридан ишлаб чиқиш, шунингдек виртуал анализаторларни яратишда ноаниқ тўпламлар назариясини қўллашга бағишланган. Машинали ўқитиш виртуал анализаторларни ишлаб чиқиш ва уларга автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин бўлган инструментларни таъминлайди. Машинали ўқитиш усуллари ёрдамида ишлаб чиқиладиган виртуал анализаторлар тадқиқ қилинаётган технологик жараённинг ҳолати ва якуний маҳсулот сифатини тезкор башоратлашга хизмат қилади.

Назорат остига олинадиган ўқитишнинг зарурий шarti – $S^{\text{ўқит}}$ ўқитиш маълумотлари тўпламига эга бўлиш ҳисобланиб, одатда у ишлаб чиқариш саноатида технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг ахборот тизимидан олинади ва сақланган маълумотлардан иборат бўлади. Ушбу маълумотлар тўплами қуйидаги хусусиятларга эга:

$$S^{\text{ўқит}} = \left\{ \left(X^{\text{ўқит}}, Y^{\text{ўқит}} \right) \right\}; \quad (1)$$

бу ерда $X^{\text{ўқит}} = (x_1, \dots, x_n)^T$; $Y^{\text{ўқит}} = (y_1, \dots, y_n)^T$, $X^{\text{ўқит}} \in R^{m \times n}$ – матрицада ташкил этилган n кириш намуналари, ҳар бир сатр вектори x_i битта кириш намунасини акс эттиради, улар ўлчаш ўзгарувчиларидан иборат, яъни $x_i = (x_{i,1}, \dots, x_{i,m})$.

Ҳар бир x_i кириш намунаси m ўлчовли X кириш майдонида нуқта сифатида талқин қилинган. Умуман олганда, ҳар бир кириш намунаси учун $y_i \in R^q$ берилган q ўлчовли мақсадли қиймат мавжуд. Ушбу ишда виртуал таҳлилнинг мақсади санаот маҳсулоти сифатини назорат қилиш бўлганлиги сабабли, мақсад майдони битта ўлчамли чиқиш майдони билан чекланган, яъни $y_i \in R^1$.

Мақсад ўзгарувчиси кириш майдонини чиқиш майдонига жойлаштирадиган мақсад функцияси деб номланган яширин функция ϕ томонидан яратилган:

$$\phi: X \rightarrow Y. \quad (2)$$

L ўқитиш алгоритмининг вазифаси функцияга яқинлашишни топишдан иборат, бунда у сақланган маълумотлар тўплами $S^{ўқит}$ ва башорат функцияси $f_{бош.}$ ни ҳисобга олади:

$$f^{ўқит.} \leftarrow L(S^{ўқит.}, f^{бош.}). \quad (3)$$

Объект ҳолатини башорат қилувчи модель нейрон тўрининг оддий регрессия модели ёки белгиланган миқдордаги асосий компонентларга эга бўлган принципиал компонентли регрессия модели ёки белгиланган миқдордаги яширин блокларга ва тасодифий ўрнатилган вазнларга эга кўп қаватли перцептрондир. Ўқитиш натижасида ўқитилган башоратловчи модель $f^{ўқит.}$ ҳосил қилинган. Ҳосил қилинган модель кириш намуналарини чиқиш майдонида акс эттиради, бошқача айтганда $y_i^{баш.} = f^{ўқит.}(x_i)$ ва мақсад функцияси ϕ ни аппроксимациялайди.

Ўқитиш жараёнининг натижаларини баҳолаш ва тартиблаш $e(f,y)$ хатолик функцияси ёрдамида амалга оширилган, бунда функция кириш намунаси x берилган ҳолда мақсадли қиймат y ва башорат қилинган қиймат ўртасидаги фарқни ҳисоблаш имконини беради. Шовқинлар мавжуд бўлган ҳолатда:

$$y = \phi(x) + e. \quad (4)$$

Ўзгарувчини ўртача ноль қиймати билан нормал тақсимланган тасодифий ўзгарувчи эканлигидан келиб чиқиб, тасодифий шовқиннинг таъсирини бартараф этувчи оптимал хатолик функцияси (максимал эҳтимоллик билан) ўртача квадратик хатолик эканлиги келтириб чиқарилган:

$$e(f(X), y) = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (f(x_i) - y_i)^2; \quad (5)$$

бу ерда n – маълумотлар намуналарининг сони.

Хатолик функциясига эга бўлган ҳолда ўқитиш жараёнини $e(f(X), y)$ хатолик функциясини минималлаштирувчи f^{opt} функцияси қуйидагича олинган:

$$f^{opt} = \underset{f}{\operatorname{arg\,min}} e(f(X), y). \quad (6)$$

Виртуал анализаторлар ишлаб чиқиш амалиётида намуналар билан оптимал ишлайдиган моделни олиш орқали яхши натижаларга эришилади. Бироқ, виртуал анализатор моделини ишлаб чиқиш босқичида, намуналар мавжуд бўлмайди ва улар кейинчалик олинади. Келгусидаги маълумотларнинг намуналари бўйича моделнинг иш фаолиятини ҳисоблашни имкони бўлмаганлиги сабабли, ишда мавжуд маълумотлардан фойдаланилган. Бунда кутилгани баҳолаш амалга оширилиб, бу ерда ўқитиш маълумотлари $S^{ўқит}$ ҳақиқий ўқитиш ва текшириш қисмларига бўлинган. Башоратловчи модель аввал янги ўқув маълумотлари бўйича ўқитилади, сўнгра у умумлаштириш кўрсаткичини баҳоловчи текшириш маълумотлари бўйича синовдан ўтказилади. Бундай ёндашувнинг ўқитиш маълумотлари тўпламидан ўқитиш учун фойдаланиб бўлмаганлиги сабабли, унинг тўплами ҳажми кўпинча бир неча омиллар билан чекланиши ва текшириш маълумотларини йўқотилиши муаммоларини бартараф этиш усуллари таклиф этилди.

Ишда юқорида келтирилган муаммоларни ечишга бағишланган иккита усул келтирилган:

- *K-карра ўзаро тасдиқлаш усули*: ушбу усул ўқитиш маълумотлари $S^{\dot{y}kum}$ ни даврий равишда ўқитиш маълумотлари ва текшириш маълумотларига ажратади, бунда бўлиниш ҳажми K сонига боғлиқ. K -каррали ўзаро тасдиқлаш учун ҳар бир текшириш тўпламининг катталиги $S^{\dot{y}kum}$ ни ҳажми $n \frac{1}{k}$ га тенг, қолган $n \left(1 - \frac{1}{k}\right)$ намуналар ўқитиш маълумотлари сифатида қабул қилинган. Натижа эса k марта турли ўқитиш ва текшириш ҳамда k та моделлардан иборат бўлди. Ушбу усулнинг асосий афзаллиги шундаки, у мавжуд бўлган барча намуналарни намунавий ўқитиш ҳамда моделни текшириш учун ишлатилишини кафолатлайди;

- *ўз-ўзини сошлаш усули*: ўз-ўзини сошлашда $S^{\dot{y}kum}$ намуналарнинг бошланғич ўзагидан маълумотлар тасодифий танлаб олинади ва моделни ўқитишда фойдаланиладиган маълумотлар бошланғич маълумотлардан ҳосил қилинади. Муайян моделнинг ишлаши, уларни кўринмайдиган намуналарда тасдиқлаш орқали баҳоланади. Башоратловчи модель фаолиятининг кўрсаткичи моделнинг умумий фаолиятини ўртача кўрсаткичидир.

Ишда башоратловчи модель томонидан умумлаштирилган хатолик иккита таркибий қисм: квадратик оғиш ва дисперсияга ажратилди. Квадратик хатолик функцияси учун ажратилган шаклнинг белгиланган шакли ҳар хил ўқитиш тўпламларига нисбатан қуйидагича ёзилди:

$$\begin{aligned} E_S \left[\left(y^{mecm} - f_{(k)}(X^{mecm}) \right)^2 \right] &= \left(E_S \left[y^{mecm} - f_{(k)}(X^{mecm}) \right] \right)^2 + E_S \left[\left(y^{mecm} - E_S \left[f_{(k)}(X^{mecm}) \right] \right)^2 \right] = \\ &= bias(f_{(k)})^2 + variance(f_{(k)}), \end{aligned} \quad (7)$$

$$f_{(k)} \leftarrow L(S_i \in S^{\dot{y}kum}, f^{bou})$$

(7) тенгламадаги E_S кутилма қиймати доимий ўлчамга эга тасодифий ўқитиш маълумотлари тўпламлари S_i асосида қурилади, $f(X^{mecm}) - X^{mecm}$ ва y^{mecm} кириш маълумотлари квадратик хатоликни ҳисоблаш маълумотлари учун тўғри мақсад қийматлари бўлган тақдирда башоратловчи модель томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

Хатоликни ажратиш умумлаштирилган хатоликни бир-бирини мувозанатлаштирадиган иккита таркибий қисмга бўлинишидан келиб чиқиб амалга оширилган. Силжиш компоненти барча ўқитилган $f_{(k)}$ башоратловчи моделлар учун кутилган хатоликни тавсифлайди. Оптимал башоратловчи моделни топиш оғиш ва дисперсия хатолиги ўртасида мувозанатни топишни англатади.

Ишда виртуал анализатор моделини олиш учун сунъий нейрон тармоқлари жумладан, кўп қатламли перцептрон, радиал базис функциялар тармоғи, таянч векторли машиналарга мурожаат қилинган.

Шунингдек, виртуал анализаторнинг моделини қуришда моделлар тўпламини ўзида мужассамлаштирувчи моделлар ансамбли усуллари таклиф этилган. Ансамблни қуриш учун модель қуришнинг иккита муҳим вазифаси аниқланган. Биринчиси ансамблнинг турли аъзоларининг тўпламларини,

иккинчиси ансамблнинг якуний башоратини олиш учун моделлар ёки уларнинг башоратларини ўзида бирлаштиришдан иборат.

Ансамбллар усули p моделлар тўпламидан иборат:

$$F = \{f_{(k)}\}_{k=1}^p. \quad (8)$$

Бунда башоратлаш даражасида комбинация билан чекланган ва у модель даражасидаги комбинацияларни назарда тутмайди. Башоратлаш даражасидаги комбинация учун бир нечта ёндашувлар мавжуд. $X^{куи}$ кириш маълумотлари ва $y^{куи}$ мақсадли ўзгарувчидан ташкил топган текшириш маълумотлари тўплами мавжуд бўлганлиги сабабли:

$$S^{куи} = \{X^{куи}, y^{куи}\} = \{(x_j, y_j)\}_{j=1}^{n^{куи}}; \quad (9)$$

бу ерда $n^{куи}$ – текшириш намуналарининг сони.

Моделларни саралашда қуйидаги ёндашувлар қўлланилган:

- энг яхши моделни танлаш: $f = \operatorname{argmin}_i e(f_{(i)}(X^{куи}), y^{куи});$

- моделни башорат қилишнинг ўртача даражаси: $f = \frac{1}{p} \sum_i f_{(i)};$

- вазнли солиштириш: $f = \sum_i \omega_i f_{(i)}$ билан $\sum_i \omega_i = 1, \forall i: \omega_i > 0;$

- $S^{куи} : f = g(F)$ бўлганда оптимал ўқитилаётган g функция орқали саралаш, бунда $g : F \rightarrow y.$

Таҳлиллар энг яхши моделни танлаш усулидан кўра ўртача қиймат усули афзал эканлигини кўрсатди. Бундай ёндашув асосида ансамблнинг квадратик хатолиги $(f(x) - y)^2$ ансамбл ҳажмининг катталашиши билан камайиб бориши аниқланган:

$$(f(x) - y)^2 = \frac{1}{p} \left(\frac{1}{p} \left(\sum_{k=1}^p (y - f_{(k)}(x))^2 \right) \right). \quad (10)$$


Диссертация ишида ансамбллар усули билан бир қаторда ансамбллар тўплами ва уни «булутли тизимлар»га юклаш таклиф этилган. Бунда ишлаб чиқилган моделлар тегишли ансамблга жамланади, шунингдек ансамбллар глобал тармоққа юкланади ва ансамбллар тўплами ҳосил бўлади. Тармоққа уланган корхоналар ушбу тўпладан керакли моделлар тўпламини юклайди ва уларни ўз маълумотлари асосида ўқитади.

Диссертациянинг “**Адаптив виртуал таҳлил алгоритми**” номли учинчи боби ишончли ва адаптив виртуал анализаторлар яратиш концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган. Онлайн режимда виртуал таҳлил қилиш учун виртуал анализаторларнинг нейрон тармоғини маҳаллий ўқитиш алгоритми таклиф этилган. Маҳаллий ўқитиш назарий жиҳатдан истиқболли усул ҳисобланади, чунки жараён маълумотлари асосий жараённинг турли ишчи ҳолатларига кўра алоҳида таркибий қисмлардан иборат бўлади. Турли ҳолатлар аниқланиб, маълумотларнинг қисмлари учун мос моделлар яратилади. Онлайн босқичда энг монанд моделларни аниқлаш машаққатли вазифадир. Диссертация ишида моделни адаптивлашни амалга ошириш учун мазкур усул жуда яхши имконият бериши кўрсатилган. Алгоритмни киритишдан олдин виртуал анализатор адаптив бўлиши учун

виртуал анализаторни яратишнинг модификацияланган варианты келтирилган.

Виртуал анализатор ишлаб чиқишнинг янгиланган методологияси келтирилган бўлиб, янгиланган методология виртуал анализаторни ишлаб чиқишнинг катта қисмини, айниқса маълумотларни дастлабки қайта ишлаш, моделни танлаш ва текшириш, техник хизмат кўрсатиш босқичларини автоматлаштирилишини таъминлайди ва инсон аралашувини минималлаштиради. Бунинг учун моделнинг ҳаётий цикли қуйидаги уч босқичга бўлинган: 1) маълумотларга инсон томонидан ишлов бериш; 2) моделни қуриш; 3) реал вақтда ишлаш.

Виртуал анализаторни ишлаб чиқиш, ишлатиш ва унга техник хизмат кўрсатиш босқичлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Виртуал анализаторни ишлаб чиқиш ва унга техник хизмат кўрсатиш босқичлари

Биринчи босқичда маълумотларни дастлаб қўлда қайта ишлаш ва баъзи аниқ бузилган ўзгарувчиларни олиб ташлаш минимал даражада сақланиб қолади. Иккинчи босқичда тўлиқ белгиланиб, сақланган маълумотлардан фойдаланилади. Ушбу маълумотлар виртуал анализатор моделини дастлабки ўқитилиши ва иш фаолиятини баҳолаш учун ишлатилади. Ўқитиш тугагандан сўнг, учинчи босқичда виртуал анализатор мақсад ўзгарувчиларини онлайн башорат қилиш учун реал вақтдаги маълумот оқимидан фойдаланади. Мақсад ўзгарувчиларининг ўлчанган қийматлари мавжуд бўлганда улардан виртуал анализаторни мослаштириш учун фойдаланилади.

Виртуал анализаторни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш қуйидаги босқичларга бўлинган:

- қабул зоналарини қуриш;
- маҳаллий моделлар/экспертларни ўқитиш;
- қабул зонаси дескрипторларини қуриш;
- маҳаллий мутахассисларни комбинациялаш;
- онлайн ишлаш ва моделни адаптивлаш.

Қабул зонасини яратишдан мақсад – сақланган маълумотларни турли хил маълумотлар концепциясини ифодаловчи қисмларга бўлиш. Концепция гоёси модель йўналтирувчи деб номланадиган соҳа билан боғлиқ ва доимий унумдорликни таъминлайди. Йўналтирувчининг унумдорлиги пасайиши янги қабул зонасини яратишга олиб келадиган янги маълумотлар концепцияси сифатида изоҳланган.


Қабул зоналари аниқлангандан сўнг, маҳаллий эксперт $f^{MЭ}$ деб номланган битта модель ҳар бир қабул зонаси учун ўқитилади.

Якуний моделни олишнинг навбатдаги қадами – бу маҳаллий экспертлар учун дескрипторни тузишдир, сўнг улардан ушбу кириш намунаси учун маҳаллий экспертларнинг башоратлари аниқлигини баҳолашда фойдаланилади.

Ишлаб чиқилган ёндашувнинг афзаллиги у адаптация механизмларини амалга ошириш учун бир нечта имкониятларни тақдим этишидан иборат. Учинчи бобда v вазнларини мослаштирадиган оддий, аммо кучли адаптация механизми келтирилган. Бу мақсадга маҳаллий эксперт-дескрипторларни мослаштириш орқали эришилган. Мазкур усул аввалги намуналарни сақлашни талаб қилмайди ва шу тариқа танлаб олиш асосида тўлиқ ишлайди.

Шиша эритиш жараёни учун таклиф этилган концептуаль схема бўйича виртуал анализатор ишлаб чиқишда қуйидаги эксперимент ўтказилган. Бунда асосий компонентлар таҳлили ва кўп қатламли персептрон (АКТ + КҚП); маҳаллий вазнли проекцион регрессия (МВПР); маҳаллий адаптив виртуал таҳлил алгоритми каби виртуал таҳлил усуллари натижалари таҳлил қилинган.


Натижалар, башоратларнинг ўртача квадратик хатоликлари ва тўғри мақсадли қиймат билан башорат ўртасидаги корреляция коэффициенти кўринишидаги сон шаклида берилган. 2-3-расмларда ҳар бири ўртача квадратик хатолик ва башоратларнинг корреляцион коэффициентини қийматлари келтирилган. 5-6-расмдаги графиклар виртуал анализаторлар башоратлари ёнидаги тўғри мақсадли ўзгарувчан қийматларни кўрсатади.



2-расм. АКТ ва робаст АКТнинг натижаларини таққослаш

Сақланган ва онлайн маълумотларни акс эттириш учун мавжуд маълумотлар тўплами икки қисмга бўлинган. Маълумотлар тўпланининг ҳар


бирини дастлабки 30 %и моделларни ўқитиш учун фойдаланиладиган сақланган маълумотларни ташкил қилиб, қолган 70 %и онлайн маълумотларни имитация қилади ва намуналар оқими сифатида узатилади.



а) ўртача квадратик хатолик

б) корреляция коэффициенти

3-расм. АКТ + КҚП асосидаги виртуал анализаторлар ишлашига робаст АКТни дастлабки ишлов бериш ва яширин блоклар сонининг таъсири



а) ўртача квадратик хатолик

б) корреляция коэффициенти


4-расм. АКТ + КҚП асосидаги виртуал анализаторларнинг унумдорлигини яширин блоклар сони турлича бўлганда таққослаш натижалари

Шунингдек, ушбу бобда моделларни комбинациялаш самараси таҳлил қилинган. Қўлланилган комбинация усули – ўнлаб тасодифий киритилган дастлабки моделларнинг ўртача қурилиши эканлиги кўрсатилган. Башорат қуйидаги шаклга эга:

$$F(x) = \frac{1}{10} \sum_{k=1}^{10} f_k(x). \quad (11)$$


6-расмда МВПРга асосланган виртуал анализаторлар сезгирлиги графиги кўрсатилган.

КҚПга асосланган виртуал анализаторларнинг юқори ўзгарувчанлиги билан таққослаганда, МВПРга асосланган виртуал анализаторларни иш унумдорлигини жуда паст даражадалиги кўринади. Бундан ташқари, маҳаллий минимумлар муаммоси йўқлиги сабабли МВПРни параметрларини КҚП асосидаги виртуал анализаторларникига қараганда оптималлаштириш анча осон.




5-расм. Адаптив бўлмаган АКТ + КҚП асосидаги виртуал анализаторнинг башоратлари

Ўқитиш маълумотлари асосида яратилган модель битта қабул қилувчи майдондан иборат. Моделнинг башоратлари 6-7-расмларда келтирилган.



6-расм. Мослаштирилмаган МВПР асосидаги виртуал анализаторнинг башоратлари

Таҳлиллар натижасида, виртуал анализатор параметрлар қийматларининг барча комбинацияларини яхши бажариши аниқланган.



7-расм. Виртуал анализатор башоратлари ва лаборатория таҳлили натижалари


Сульфат кислотаси сифатини назорат қилиш учун ишлаб чиқилган

виртуал анализатор учун сульфат кислотасини ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизими виртуал таҳлилининг бирламчи маълумотлар манбаи ҳисобланадиган ўлчаш асбоблари билан жиҳозланганлиги кўрсатилган. Анализатор моделини олишда тадқиқ қилинаётган технологик жараён ҳақидаги эксперт билимларидан фойдаланилган. Виртуал анализатор башоратлари ва лаборатория таҳлили натижалари таққосланганда виртуал анализаторнинг натижалари лаборатория таҳлили натижаларига жуда яқинлигини аниқланган (7-расм).

Диссертациянинг “**Виртуал анализаторларни ишлаб чиқиш архитектураси**” номли тўртинчи бобида диссертациядаги ишланмаларнинг синовлари ва апробацияси натижалари муҳокама қилинган.

Виртуал анализаторларни амалга оширишда, архитектуравий нуқтаи-назаридан маълумотларни қайта ишлаш учта сатҳ (маҳаллий, ўрта ва глобал)га ажратилган, уларнинг ҳар бири ўзларининг адаптация механизмлари билан таъминланган. Виртуал анализатор моделининг архитектураси иерархиясига мос келади ва моделнинг уч хил мураккаблик сатҳини шакллантиришда иштирок этади.

Адаптация цикли ва мураккабликнинг учта сатҳи ўртасидаги ўзаро таъсирлар орасидаги боғлиқлик схематик равишда 8-расмда келтирилган. Бу ерда маҳаллий ва оралиқ сатҳларнинг ўз-ўзидан адаптацияланиш қобилияти батафсил кўрсатилмаган, шунчаки мета-сатҳдан қуйи сатҳларга алоқалар борлиги кўрсатилган.



8 - расм. Виртуал анализаторлар ишлаб чиқиш архитектурасидаги адаптация цикллари


Виртуал анализаторнинг умумий архитектураси 9-расмда кўрсатилган.

Мазкур архитектура умумлаштирилган ва уни амалга ошириш виртуал анализаторлар ишлаб чиқишда жуда кўп эркинликларни бериши, бу эса ўз навбатида, белгиланган вазифани ечиш учун конкрет функционалликка эътибор қаратиш имконини бериши кўрсатилган.

Архитектуранинг асосий хусусиятларидан бири – маълумотларнинг ўзгариши билан ифодаланадиган динамик муҳитда ишлаш қобилиятидир. Архитектуранинг адаптация имкониятларидан фойдаланиш учун муайян модуллар инструментал режимга ўтказилади. Адаптациянинг учта: йўл; йўллар комбинацияси ва мета сатҳлари ажратиб кўрсатилган.

Мета сатҳда адаптация бутун архитектуранинг динамикасига таъсир

қилади. Мета сатҳда ўқитиш модули архитектуранинг барча сатҳлари, яъни ҳисоблаш йўллари ва йўллар комбинациясидан глобал ишлаш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тўплайди. Мазкур маълумотлар нафақат архитектуранинг турли даражаларида эришилган натижаларни таҳлил қилиш, балки моделдаги турли позицияларда бўлаётган ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш имконини беради.



9-расм. Мустақам ва мослашувчан виртуал таҳлил алгоритмларини ишлаб чиқиш учун таклиф этилган архитектуранинг умумий кўриниши

ХУЛОСА

1. Ўлчанмайдиган, қийин ёки паст частота билан ўлчанадиган параметрларни, маҳсулотлар сифатини баҳолаш учун таркибда виртуал анализаторлари бўлган такомиллаштирилган бошқариш тизими таклиф

этилган бўлиб, ушбу тизим узлуксиз технологик жараёнларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини юқори самарадорлик билан назорат қилиш имконини беради.

2. Ансамбл усуллари кўллаш, маҳаллий ўқитиш, мета ўқитиш, адаптив башоратлаш, маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва интеллектуал таҳлилни амалга оширувчи виртуал анализаторларни қуриш концепцияси ишлаб чиқилган. Мазкур концепция виртуал анализаторларни ташқи ғалаёнларнинг ўзгаришига мослашувчанлигини таъминлайди.

3. Виртуал анализаторларнинг башоратлари аниқлигини оширувчи ансамбл усуллари таклиф этилган. Ушбу ансамбл усуллари маълумотларни таҳлил қилиш асосида маҳсулот сифатини самарали башоратлаш учун оптимал моделни танлаш имконини беради.

4. Технологик жараёнларни назорат қилишнинг виртуал анализаторларини адаптациялаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм ишлаш шароитлари вақт ўтиши билан ўзгарадиган жараёнларда маҳсулот сифатини назорат қилувчи виртуал анализаторларни янги иш шароитларига тезроқ мослашишига имкон беради.

5. Виртуал анализаторларнинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш усули ишлаб чиқилган. Ушбу усул таҳлил маълумотларини қайта ишлашдаги ҳисоблаш йўллари комбинациялаш орқали виртуал анализаторнинг моделини такомиллаштириш ҳисобига унинг хизмат кўрсатиш аниқлигини сақлаган ҳолда муддатини узайтириш имконини беради.

6. Адаптив виртуал анализаторларни қуришнинг модулли архитектураси таклиф этилган. Архитектуранинг модулли тузилиши виртуал анализаторларга маълумотлар тезкор ўзгарувчан бўлган динамик режимларда ишлаш имконини беради.

7. Технологик параметрлар қийматлари асосида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар сифатини аниқловчи алгоритм ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм мураккаб узлуксиз технологик жараёнларни назорат қилишда маҳсулотларнинг сифатини технологик параметрлар қийматларига кўра баҳолаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ШОДИЕВ МАЪРУФЖОН КОБУЛЖОНОВИЧ

**КОНЦЕПЦИЯ СОЗДАНИЯ И ПОСТРОЕНИЯ ВИРТУАЛНЫХ
АНАЛИЗАТОРОВ ДЛЯ КОНТРОЛЯ НЕПРЕРЫВНЫХ
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ**

05.03.01 – Приборы. Методы измерения и контроля (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.PhD/Т342

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.tdtu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Юсупбеков Азизбек Нодирбекович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Матякубова Парахат Майлиевна**
доктор технических наук, профессор

Юнусов Исмат Инагамович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.
(протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 г.)

Н.Р.Юсупбеков
председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., проф., академик

У.Ф.Мамиров
Учений секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Х.З.Игамбердиев
председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., проф., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире особое внимание уделяется созданию и модернизации измерительной техники и контролю качества с целью производства высококачественной продукции с наименьшими энергетическими, сырьевыми и временными затратами. В настоящее время одна из ведущих ролей отводится виртуальному анализу качества продукции в химической, нефтехимической и пищевой промышленности. В развитых странах для контроля управления качеством производимой продукции всё более широкое распространение получают виртуальные аналитические системы с использованием специального программного обеспечения на основе математического аппарата.

В мире ведутся научные исследования и разработки направленные на реализацию систем усовершенствованного управления с виртуальными анализаторами обеспечивающими требуемую энергоэффективность производства и высокое качества продукции. Особое внимание уделяется разработке высокоскоростных систем анализа качества выпускаемой продукции, моделей определения качественных показателей и характеристик конечной продукции и синтезу виртуальных анализаторов качества конечной продукции.

Сегодня в Республике Узбекистан особое внимание уделяется внедрению инновационных технологий в промышленность, реализации высокоэффективных систем контроля качества полуфабрикатов и готовой продукции, в том числе созданию виртуальных анализаторов конечной продукции. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы намечены задачи «...модернизация и диверсификация промышленности путем перевода её на качественно новый уровень»¹. Для достижения этих ответственных задач одним из ключевых вопросов является разработка концепции, которая будет эффективно решать задачи по реализации виртуальных анализаторов для технологических процессов контроля качества выпускаемой продукции.

Данная диссертационная работа в определенной степени обеспечивает реализацию задач, предусмотренных указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлениями №ПП-3012 «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сферы на 2017-2021 годы» от 26 мая 2017 года, №ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» от 27 апреля 2018 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной

¹ Указ президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» УП-4947 от 07 февраля 2017 года.

сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. В рамках мировых исследований по научно-проблемным воплощениям концепции создания виртуальных анализаторов существенный вклад внесли и вносят ведущие научные центры и высшие образовательные учреждения мира: Emerson (США), Honeywell (США), Yokogawa (Япония), научно-производственная компания ОПТИМУМ (Россия), МГТУ им. Н.Э. Баумана, РГУ нефти и газа им. И.М. Губкина (Россия), Институт автоматики (Украина). Весомый вклад в решение этой востребованной проблемы внесли и вносят такие зарубежные ученые, как D.N.Saraf, N.Bolf, P.Angelov, L.Fortuna, P.Kadlec, M.Kano, O.C.Кожинский, P.A.Аузан, Г.М.Бакан, Т.И.Копысицкий, Н.Н.Бахтадзе, А.П.Веревкин, А.Г.Шумихин, А.А.Мусаев и др.

